МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 6 июль. Шанба №57 (918) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz




## БАРКАМОЛ АВЛОД — ПОРЛОҚ КЕЛАЖАКНИНГ ПОЙДЕВОРИ

**Мамлакатимизда давлат бюджети харажатларининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук инсон бўлиб улғайишига кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрликнинг яққол тасдиғидир.**




Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ҳар йили чекка қишлоқларда ҳам спорт иншоотлари барпо қилиниб, ёшларнинг ўз саломатлигини мустаҳкамлаши, чиниқиши ва камолотга эришиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилаётир. Шу тарзда нуфузли халқаро мусобақалардаги муваффақиятларга замин яратилмоқда. Натижада кўксини медаллар безайдиган, ғалабаси шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграйдиган маҳоратли йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳар бир юртдошимизнинг қалбини чексиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиргани шубҳасиз. Зеро, миллионлаб юртдошларимизни шодлантирган олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларидаги барча муваффақиятларга истиқлол туфайли эришилди.

> [2]

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## ОБОДЛИК ҲАР УЙНИНГ ВА МАҲАЛЛАНИНГ ФАЙЗИДИР



ЎзА сурати.

**Жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига қилган ташрифлари давомида муҳтарам Президентимиз кўплаб долзарб масалалар юзасидан зарур тавсия ва маслаҳатлар бердилар.**

Жумладан, мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида кўркамлашаётган шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий кўриниши ҳақида фикр юрита туриб, ҳудудлар жамоли ва тароватининг юртдошларимиз дунёқарашига таъсир кўрсатиши ҳамда уларни янги-янги марралар сари интилиб яшашида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, обод юртда эл-улус фаровон ва хотиржам яшайди. Нукус тумани ҳам кундан-кунга чирой очаётган гўшалардан. 44 минг уч юздан зиёд аҳолидан иборат 9 та фуқаролар йиғинида тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес корхоналари сони ортиб бораётгани овул ва маҳаллалар инфратузилмаси ривожига салмоқли ҳисса қўшаётир.

Юртбошимиз Жиззах вилоятига ташрифи чоғида ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозимлигини таъкидлаб, кўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди. Туманимизда ҳам ички йўлларни таъмирлаш, асфальт ётқизиш ишлари авжида. Эрта баҳорда йўл бўйларига қадалган дарахт ниҳоллари ва гул кўчатлари бугун баравж яшнаб, ҳудудимизга ўзгача оройиш бахш этган.

> [3]

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

## ФАОЛИЯТДА ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛИ УСТУВОР

**Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда ҳамда очиқ фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнларини давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

Шуниси муҳимки, Концепцияда ҳозирги даврда жамият ва давлат бошқарувининг турли соҳаларида зарур бўлган 50 дан зиёд қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш таклиф этилди. Уларнинг ҳаётга жорий этилиши Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўлида изчил, тадрижий ва барқарор ривожланишини, аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланишини таъминлайди.

Шунингдек, мамлакатимизга жаҳоннинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Хусусан, Концепцияда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқини кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлари сифатини юксалтириш ҳамда улар устидан жамоат ташкилотлари масъулиятини кучайтириш мақсадида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган эди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, кенг жамоатчиликни юртимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлардан хабардор этиш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Шу боис «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими томонидан аҳолига соҳага оид ахборотлар, бўлим фаолиятига доир маълумотларни тезкор равишда тақдим этиш учун тизимда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

> [2]

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ ТОПАДИ

## ҲОКИМ ЙИҒИН АҲЛИГА ҲИСОБОТ БЕРДИ



**Булоқбоши Андижон вилоятининг сўлим, хушманзара, обод гўшаларидан ҳисобланади. Чилустун тоғ тизмаси ёнбағрида жойлашган Ширмонбулоқ, Найман, Сарбонтепа, Қақир қишлоқлари ўзининг ажойиб табиати, хушманзара боғ-роғлари, кўркам чаманзорлари, чашмалари билан ҳамиша саёҳатчилар эътиборида.**

Туманнинг меҳнаткаш, янгиликка интилувчан аҳолиси эса мустақиллик туфайли тадбиркорликнинг ҳадисини олди. Улар ҳайратомуз касб-ҳунарлари билан эл-юрт равнақи, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Бундай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватловчи 38 та фуқаролар йиғини фаолияти эса таҳсинга сазовор. Чунки кимнинг нимага қодирлиги, ақл-заковати, иштиёқи айнан маҳаллада намоён бўлади.

— Очиғи, бундан 5-6 йил илгари фуқаролар мурожаатларининг аксарияти маиший мазмунда бўларди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Булоқбоши тумани бўлинмаси раиси Абдумалик Жуманазаров. — Энди эса уларда ижтимоий-иқтисодий масалалар устуворлик касб этяпти. Яъни, кишиларда ташаббускорлик, ишбилармонлик қобилиятлари зуҳур топяпти. Кишилар туман тараққиётига ҳисса қўшиш, турмуш фаровонлигини ошириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Шу ўринда туман ҳокимининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бераётгани муаммоларга ечим топишда қўл келяпти.

Таъкидлаш жоизки, Обод турмуш йилининг ўтган даври мобайнида туман ҳокими Дониёрбек Мақсудов барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳисобот берди. Бу тадбир ҳар томонлама манфаатли бўлганини алоҳида қайд этмоқ жоиз.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС — ЮКСАК САМАРА ОМИЛИ

**Мамлакатимизда бошқарувнинг самарали усулларини ўзида мужассам этган миллий институт — маҳалланинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги мавқеини янада юксалтиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда.**

Бугунги кунда маҳаллалар жамиятни бошқаришдаги муҳим институтга айланди. Оилалар фаровонлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги, миллатлараро тотувлик, ёшларни миллий анъана ва урф-одат ҳамда қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тўй ва маъракаларни тартибга солишда маҳалланинг ўрни ва иштироки беқиёсдир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш борасида икки йилдан ортиқ вақт давомида кенг кўламли амалий ишлар бажарилди. Улардан бири, шубҳасиз, фуқаролик жамияти институтлари ўртасида етакчи ўринни эгаллаган маҳалла фуқаролар йиғинининг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганидир.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда маҳаллалар фаолиятини янги босқичга кўтаришга, уларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш орқали маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Маҳалланинг ваколатлари йилдан-йилга кенгайтириб борилди. Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамият ҳаётининг муҳим соҳаларини тартибга солишга оид ўттиздан ортиқ ваколатлар берилган. Айни пайтда маҳалла фаоллари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқда. Такомиллаштирилган янги таҳрирдаги қонун орқали бу ваколатлар сони янада ортди ва улар фуқаролар йиғинлари фаолиятида янги даврни бошлаб берди.

> [2]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Сўнгги йилларда юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, янада чирой очиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда шаҳардагидан кам бўлмаган уй-жой массивлари барпо этилаётгани кишилар қалбини фахр-ифтихорга тўлдираётир.

Халқ фаровонлигини юксалтириш борасидаги туб ислоҳотларнинг самарасини Балиқчи тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туманимизда кейинги уч йил мобайнида намунавий лойиҳалар асосида 50 та замонавий уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. Ўтган йили 30 та хонадонда ҳовли тўйларини ўтказдик. Бу йил ҳам 35 та намунали уй-жой барпо этилаётир.

Ҳудудимизда 64 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатади. Яқинда Ўрмонбек қишлоғида 10 дан зиёд хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд гузар қад ростлади. Кўчалар равон, ички йўллар таъмирланаётир.

Балиқчи қишлоғининг Оққўрғон маҳалласида ҳам яқинда ажойиб гузар барпо этилди. Бу ерда тикувчилик цехидан тортиб, «Гўзаллик салони»гача бор. Дам олиш маскани, савдо шохобчалари, қўйингки, аҳоли учун зарур барча хизмат турлари мавжуд. «Омонариқ» маҳалласидаги «Чинобод-люкс» хусусий фирмаси томонидан қишлоқ врачлик пункти, тўйхона ва мини футбол майдони бунёд этилди.

Туманимиздан ўтган катта магистраль йўл Олтинкўл туманига қадар давом этади. 25 километр масофадаги катта йўлнинг ҳар икки томонида 7150 туп арча яшнаб турибди. 25 минг тупдан зиёд гул кўчатлари кўзни қувнатади. Улар парвариши кўплаб корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари зиммасида. Алоҳида пиёдалар йўлаклари барпо этилган. Кейинги йилларда чекка маҳаллаларга ҳам саноат кириб бормоқда. Ўрмонбек қишлоғида «Ху Ан Жу-керамик» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият юрита бошлади. Корхонада миллий ҳунармандчилигимиз ҳамда хитой услуби уйғунлашган ҳолда чинни буюмлари ишлаб чиқарилаётир.

Энг муҳими, кишиларда эртанги кунга ишонч, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғулари шаклланиб улгурган. Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда ҳар бир кишининг алоҳида ўрни бор.

Орифжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Балиқчи тумани бўлинмаси раиси.

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ

## ТУПРОҒИДА ҲИКМАТУ ҲАЙРАТ МУЖАССАМ



Юртимиздаги минг йиллик тарихга эга меъморчилик анъаналари ва услубларини ўзида мужассам этган обидаларимиз нафақат халқимизнинг қурилиш маданияти, бунёдкорлик салоҳияти, балки улуғворлигини ҳам акс эттириб туради. Бугунги кунда уларнинг қайта таъмирланиб, гўзал қиёфа касб этаётгани қутлуғ заминимизда анъана ва қадриятларимизнинг нечоғли эъзозланаётганидан дарак.

Ҳудудлардаги нуронийлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, аждодларимизнинг бой мероси, маданияти, истеъдоди ва маҳорати ҳақида тасаввур уйғотиш, мазкур обидалар билан яқиндан таништириш мақсадида бир неча йилдан буён «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими ва бўлинмалари томонидан ҳудуддаги фаол маҳалла раислари, ёлғиз қариялар, меҳнат фахрийлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари ҳамда ёшларнинг юртимиздаги гўзал зиёратгоҳ ва диққатга сазовор жойларга саёҳати ташкил этиб келинмоқда.

Яқинда вилоятнинг энг олис ҳудуди ҳисобланган Қоровулбозор туманидан бир гуруҳ маҳалла фаоллари Фонд кўмагида Бухоро шаҳридаги тарихий қадамжолар ҳамда вилоятдаги етти пир зиёратгоҳларида бўлиб қайтишди.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС — ЮКСАК САМАРА ОМИЛИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун асосида маҳаллаларга жамиятда нодавлат ташкилотларнинг ролини янада юксалтириш борасидаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича ҳамда мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишларига айланаётган кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш борасида янги ваколатлар берилди.

Янги таҳрирдаги қонунга киритилган 16-моддага асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди. Маҳалла институти жамоатчилик назоратининг муҳим субъектларидан бири ҳисобланади. Маҳалла ўз ҳудудидаги давлат, ҳокимият, ижро ва назорат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Мазкур норма қонунга киритилгунга қадар ҳам маҳаллалар томонидан таъсирчан жамоатчилик назорати амалга оширилган. Лекин жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шакллари, тартиби ва бу борадаги ҳамкорлик масалалари қонунчиликда аниқ кўрсатилмагани сабабли мазкур йўналишда мунозарали масалалар ҳам мавжуд эди.

Янги таҳрирдаги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, чора кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш, давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш каби жамоатчилик назоратини амалга ошириш кўзда тутилган.

Мазкур нормада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкинлиги ҳам белгиланди.

Бу каби янги норманинг қонунчиликка жорий этилиши жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳаллаларнинг ролини янада кучайтиришга ва бу орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида янги ваколатлар берилиши баробарида маҳалла тизимида янги миллий институт — маслаҳат марказини ташкил этиш ҳуқуқи қонун орқали мустаҳкамланди.

Маслаҳат марказининг мақсади, унинг ҳуқуқий мақоми, марказнинг харажатлари билан боғлиқ масалалар ва фаолият йўналишлари қонунга киритилган 17-моддада ўз ифодасини топди. Унга асосан, «Маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этади».

Шунингдек, маслаҳат марказИ фуқароларга тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумот беради. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлашишига, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, ҳунармандларга бириктирилишига ёрдам беради. Тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади. Ҳудуддаги оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида маслаҳат марказининг ташкил этилиши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар учун катта қулайликлар туғдиради. Аввало, тадбиркорлик субъектларини мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асослари билан таништиради, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга муайян даражада ҳисса қўшади. Шунингдек, тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, имтиёзлар ҳақида маълумот бериш каби муҳим вазифаларни бажаради. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги қонунга фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги норма киритилди. Аввалги қонунда фақатгина тафтиш ва маъмурий комиссиялар ҳақидаги нормалар мавжуд эди. Янги қонунда яраштириш, маърифат ва маънавият, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузиш мумкинлиги белгиланди.

Бу комиссиялар ҳақида қонунда батафсил маълумот берилиши аҳолини маҳаллаларда қандай комиссиялар фаолият олиб боришидан хабардор этиш баробарида улар таркибида фаол иштирок этишга, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини улар орқали ҳимоя қилишига замин яратади.

Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга йиғин ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда нафақалар тайинлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш каби ваколатлар ҳам янги таҳрирдаги қонунда ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғини кенгашининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш бўйича қўшимча вазифаларни бериш борасидаги ваколатлари ҳам кенгайтирилди.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонунда белгиланган ваколатлар маҳаллалар фаолиятини янги босқичга кўтаришга, унинг фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги мавқеини юксалтиришга ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилади. Зеро, маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги роли, бошқарувдаги ваколати ортишидан аҳоли ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам бирдек манфаатдордир.

**Шуҳрат ЁҚУБОВ,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари, юридик фанлар номзоди, доцент.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ПОРЛОҚ КЕЛАЖАКНИНГ ПОЙДЕВОРИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди аҳоли орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасидаги чора-тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Футболимиз келажаги», «Ўзбек жанг санъати», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» каби мусобақалар ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўғил-қизлар орасидан иқтидорлиларни аниқлашда муҳим омил бўляпти. Айниқса, хонадонларда спорт маданияти шаклланиб бораётгани, уй бекаларининг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётгани қувонарлидир. Чунки спортчи она биринчи навбатда соғлом фарзандни дунёга келтириб, ўғил-қизларида ҳам спортга меҳр уйғота олади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида болалар майдончаларидан тўғри фойдаланиш, навқирон авлод вакилларининг жисмонан ва маънан юксалишида майдончаларнинг аҳамиятига бағишланган 3,5 мингдан зиёд тадбир ўтказилди. Маҳаллий аҳоли, жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ва фермерларни болалар майдончалари ташкил этиш ҳамда уларни қайта жиҳозлаш ишларига жалб қилишга кўмаклашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. 2950 та майдонча қайта таъмирлангани мазкур ишларнинг самарасидир. Ушбу мақсадлар учун Фонд томонидан 121,1 млн. сўм, ҳомийлар ҳисобидан 991,1 млн. сўм мабалағ сарфланди. Шунингдек, 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида 100 дан зиёд майдонча тикланди, 25 та майдонча эса янгитдан ташкил этилди.

Шу билан бирга, 2473 та спорт тўгараги ва 695 та клубга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 7247 нафар фарзандини жалб этиш чоралари кўрилди.

Маҳалла фаоллари томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса, қизларни спорт билан оммавий равишда шуғулланишга жалб қилиш бўйича 1352 та учрашув, 22635 та суҳбат, 4526 та тушунтириш ишлари олиб борилди. Мазкур тадбирларга 1 млн. нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди. Жойларда бунёд этилаётган иншоотларда тўгараклар фаолиятини йўлга қўйишда ҳудуд ёшларининг қизиқиш ва қобилияти ҳисобга олинаётгани аҳамиятлидир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда спорт баркамол авлодни вояга етказишда муҳим тарбия воситасига айланди, халқаро майдонларда юртимиз ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаши учун мустаҳкам асос яратилди.

**Абдумурод АЗИЗОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси.**

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ ТОПАДИ

# ҲОКИМ ЙИҒИН АҲЛИГА ҲИСОБОТ БЕРДИ

< [1]

Аввало, аҳоли туманда йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан хабар топди. Қолаверса, анча вақтдан буён ечимини кутаётган муаммолар ана шу учрашувлар давомида ўртага ташланди. Уларнинг ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳокимнинг Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинида берган ҳисоботи фуқароларда янги-янги ғоялар туғилишига асос бўлди. Мисол учун, М.Исмоилий номидаги маҳаллада яшовчи С.Жўраев, Т.Мирзаолимова долзарб масалани ўртага ташлашди. Улар маҳалла ҳудудида тўпланиб қолган чиқинди уюми теварак-атрофда эпидемиологик ҳолатнинг бузилишига сабаб бўлаётгани ҳақида гапирди. Масала жойида ҳал этилди.

Учрашувда фуқаро Баҳодир Тўхтасинов аҳоли хонадонларидан сизот сувлар кўтарилиб, томорқалар захлаб кетаётгани оқибатида ҳосил етиштириш тобора қийинлашаётгани ҳақида гапирди. Бу муаммони бартараф этиш вазифаси туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қосимов ҳамда туман «Сувоқова» унитар корхонаси раҳбари Н.Пирматов зиммасига юклатилди.

Ҳисоботларда аҳоли томонидан кўпроқ электр энергиясидаги узилишлар, йўлларнинг талаб даражасида эмаслиги, ичимлик суви тармоқларининг яхши ишламаётгани тўғрисидаги муаммолар илгари сурилди.

Кулла қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ҳисоботда «Кўприкбоши» маҳалласи аҳли туман ҳокими, халқ депутатлари туман Кенгашининг раисидан Дўстлик ҳамда Пайваста кўчаларини асфальтлашга амалий ёрдам сўраган бўлса, «Райиш» маҳалласи аҳолиси Райиш ариғини тозалаш масаласини ўртага ташлади. «Қизилгўй» маҳалласидан Тўйчибой Маҳмудов Оққўрғон кўчасида жойлашган трансформаторнинг яроқсиз ҳолда эканини туман ҳокимига билдирган.

— Маҳалламиз аҳлига туман ҳокими ҳисобот берди, — дейди «Булоқбоши» маҳалласи фаоли Қобилжон Турсунов. — Тўғриси, Кулла қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган ҳисобот учрашувида қатнашмаган эдим. Ҳоким ўша тадбирда билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг ижросини ўрганиш учун яна маҳалламизга ташриф буюрган экан. Фурсатдан фойдаланиб, туман маркази билан маҳалла ўртасидаги масофа олислиги сабабли автобус қатновини йўлга қўйиш ҳақида таклиф киритдим. Очиғи, бу масала рўёбга чиқишига ўзим ҳам ишонмагандим. Аммо орадан икки ой ўтиб, туманимиздаги «Абдужалил» фирмасига қарашли автокорхона автобуслари маҳалламизга қатнай бошлади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси мутасаддилари бизга ҳокимнинг аҳоли билан учрашувларида билдирилган масалаларни амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар режасини тақдим этишди. Туман ҳокими жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 38 та фуқаролар йиғинида 82 марта ҳисобот берган. Ҳисоботларда ўртага ташланган муаммоларнинг аксарияти ижобий ҳал этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Бир сўз билан айтганда, туман ҳокимининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши маҳаллий аҳамиятга молик масалаларнинг ўз вақтида бартараф этилишида муҳим омил бўляпти.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Гулшанда замонавий корхона

**Наманган вилояти Чортоқ тумани Гулшан қишлоғида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ягона юлдуз текстиль» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

Корхонанинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш, бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини янада яхшилаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

«Ягона юлдуз текстиль» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зийнатхон Алиева ташкил этган ушбу янги корхонада 150 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг 36 нафари — касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

— Коллежини тамомлаб, иш бошлаётганимдан мамнунман, — дейди Фотима Абдураимова. — Бундай замонавий корхонанинг қишлоғимизда очилгани айни муддао бўлди, маҳалладошларимиз билан бирга меҳнат қилиш ҳар томонлама қулай ва мароқли.

Корхонанинг очилишида Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**



ЎзА сурати.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

# ФАОЛИЯТДА ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛИ УСТУВОР

< [1]

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг 29 мартида тегишли чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Мазкур режага асосан, жорий йил давомида фонд вилоят бўлими фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни бевосита хабардор қилишнинг самарадор шакллари ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ташкил этиш мақсадида ОАВлар билан ҳамкорликда жами 3 та матбуот анжумани ўтказиш режалаштирилди.

Шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент доирасида ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ қабул қилиниб, унга асосан бўлим иш юритувида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент доирасида 1 та Муваққат низом ва 5 та йўриқнома тасдиқланиб, тизимдаги барча бўлинмаларга етказилди. Шунингдек, бўлимнинг *www.buxoromahalla.uz* расмий веб-сайти ташкил этилди.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда мустаҳкам қонунчилик базаси асосида вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида веб-сайтлар сони 12 тадан 35 тага ошди.

Ўз навбатида, мазкур ҳуқуқий эксперимент доирасида фонд вилоят бўлими ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинларининг ахборот фойдаланувчиси сифатидаги фаоллиги тобора ошиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Фойдаланувчиларнинг сўровига асосан ахборотни оғзаки ҳамда ёзма шаклда тақдим этилиши натижасида уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаати аввалги ойларга нисбатан анча ошди. Жумладан, май-июнь ойларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига бевосита фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмаларидан 32 та, маҳаллалардан эса 113 та ахборот сўрови юборилиб, тегишли тартибда жавоблар олинди.

Коммунал хизмат кўрсатиш, уй-жой ва тадбиркорлик мақсадида ер ажратиш ҳамда бошқа масалалар, тегишли давлат органлари томонидан таклиф этиладиган хизматларни кўрсатиш тартиби ва таомиллари бўйича йўлланаётган бу каби сўровлар юзасидан аҳоли исталган маълумотларни ўз вақтида олишга муваффақ бўлмоқда.

Умуман, ҳуқуқий эксперимент қонун ижодкорлиги фаолиятининг хориж ва халқаро ҳуқуқ амалиётида қўлланилаётган муҳим демократик ҳамда ўзига хос услубидир. Унинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида татбиқ этилиши қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳаётийлиги бўйича илмий асосланган, жамият ва давлат бошқаруви амалиёти билан узвий боғланган тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, Президентимизнинг фармойиши асосида миллий ҳуқуқ амалиётига илк бор жорий этилаётган бундай эксперимент давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти учун алоҳида «ҳуқуқий тартиб» амалга киритилади. Бу эса уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.



Таъкидлаш жоизки, эксперимент унинг иштирокчилари, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бинобарин, унда иштирок этаётган давлат органлари ўз фаолиятининг шаффофлиги, ошкоралиги, очиқлиги ва ишончлилиги тамойилига риоя қилган ҳолда, биринчидан, ҳуқуқий тажрибани ўтказиш мақсад ва вазифалари билан боғлиқ талаблар ижросини тўлиқ таъминлаш, иккинчидан, юқоридаги қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ва эксперимент ўтказиш жараёни тўғрисида аҳолини хабардор этиб бориш, учинчидан, синов давомида юзага келган ижтимоий муносабатлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаларини амалга оширишлари лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юқоридаги қонун лойиҳаси ва ушбу ҳужжат синови бўйича ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, очиқ-ошкоралигини таъминлаш имконини беради. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий мезонларидан биридир. Ўз навбатида, қонун лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Маҳмуд ТОИРОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

# МУВАФФАҚИЯТЛАР ЗАМИРИДА МУШТАРАК ЖИҲАТЛАР КЎП




**Хатирчи агро-иқтисодиёт коллежини муваффақиятли тамомлаган Ойсанам туман марказидаги дўконда ўртоғи Севарани учратиб қолди. Анчадан бери бир-бирини кўрмаган икки дугона суҳбати қизигандан қизиди:**

— Коллежни «аъло» баҳоларга тугатдим, — дея гап бошлади Ойсанам. — Айни пайтда ўзим ишлаб чиққан бизнес лойиҳа асосида маҳалламиз фаоллари кўмаги билан «Микрокредитбанк»нинг Навоий вилояти филиалидан 3,5 миллион сўм имтиёзли кредит олишга эришдим. Тез орада тикувчилик цехи очаман. Ҳа, айтганча, чеварчиликка ўқувинг қандай? Хоҳласанг, бирга ишлаймиз.

— Таклифингни жон деб қабул қилардиму аммо мен ўз касбим бўйича ишламоқчиман, — деди Севара. — Тиббиёт коллежини битириб, маҳалламиз раиси Эркин аканинг кўмаги билан туман марказий шифохонасига ишга жойлашдим. Амалиётни шу ерда ўтаганим қўл келди: жамоа билан тезда тил топишиб кетдим...

Бугунги кунда «Чечак ота» ҳамда «Боғишамол» маҳаллалари фаоллари ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришда яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Бу икки маҳаллани қишлоқ билан битта йўл ажратиб турсада, лекин уларни бирлаштирувчи омиллар, муштарак жиҳатлар бисёр. Ҳафтанинг ҳар сешанба куни Оқолтин қишлоқ фуқаролар йиғинида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этиладиган йиғилишда иккала маҳалла фаоллари ҳам иштирок этади.

Мустаҳкам оила йилида «Чечак ота» маҳалласи «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Навоий вилояти босқичида «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида намунали фаолият юритган йиғин» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Иккала маҳалла ёшлари битта таълим муассасаси, яъни 18-умумтаълим мактабига қатнайдилар. Мактаб «Чечак ота» маҳалласи ҳудудида, унинг футбол ва волейбол майдони, кураш, каратэ ҳамда шахмат-шашка тўгараклари «Боғишамол» маҳалласида жойлашган.

Айни пайтда малакали мураббийлар томонидан олиб борилаётган машғулотларга 200 нафарга яқин ёш мунтазам қатнамоқда. Натижада ҳар иккала йиғин ёшлари туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб келмоқдалар. Мисол учун, «Боғишамол» маҳалласи вакиласи Гулчеҳра Бобониёзова 2011 йили кураш бўйича 15-16 ёшли қизлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида бронза медални қўлга киритди.

Жорий йилда ушбу мактабни «Чечак ота» маҳалласи ўқувчиларидан 39 нафари тамомлаган бўлса, «Боғишамол» маҳалласининг 35 нафар ёши таълимнинг кейинги босқичига жалб этилган. Ҳар иккала маҳалладан мактаб битирувчилари тумандаги агро-иқтисодиёт, тиббиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежларига ҳужжат топширишган.

Бу йил «Чечак ота» маҳалласи ёшларидан 67 нафари касб-ҳунар коллежларини тамомлаган бўлса, «Боғишамол» маҳалласида бу кўрсаткич 50 нафарни ташкил этади. Йиғинлар фаоллари ҳам коллеж битирувчиларини ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига ишга жойлаштириш учун уч томонлама шартнома тузишга эришган.

— «Истиқлолнинг 10 йиллиги» фермер хўжалиги раиси Баҳром Эшниёзов билан 8 нафар коллеж битирувчисини ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома имзоладик, — дейди «Чечак ота» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктам Раҳмонов. — Айни пайтда эшик-ром ишлаб чиқариш цехи раҳбари Фазлиддин Ширинов ҳам 4 нафар битирувчини иш билан таъминлаш ниятида. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳалламиздаги 19 нафар ишбилармонга тикувчилик, чорвачилик, паррандачиликни йўлга қўйишлари учун «Микрокредитбанк»нинг Навоий вилояти филиалидан 60 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишларига кўмаклашдик. Қувонарлиси, уларнинг 8 нафари коллеж битирувчиларидир.

«Чечак ота» маҳалласи аҳли хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг ҳадисини олган. Айни пайтда ҳудудда 29 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятидан аҳоли мамнун. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йиғинда 57 та янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг аксариятига коллеж битирувчилари жалб этилди.

— Бугунги кунда маҳалламизда 22 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 1 та дорихона, 3 та тикувчилик цехи фаолият олиб бормоқда, — дейди «Боғишамол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Тўйчиев. — Уларда 43 нафар йигит-қиз фойдали меҳнат билан банд. Хонадонларда касаначилик асосида аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хотин-қизлардан 5 нафари тадбиркор Мастура Қаюмованинг буюртмалари асосида кўрпа қавиш, тикувчилик ҳунарлари ортидан рўзғорларига барака киритмоқда. Жаҳонгир Қаршиев, Салим Муҳиддинов ва Содиқ Тожиев эса асалари парваришлаб, йилига 10-15 миллион сўм даромад топяпти.

«Боғишамол» маҳалласи аҳли 6-8 сотихли томорқадан унумли фойдаланиб, бир йилда уч марта ҳосил оляпти. Мисол учун, эрта баҳор плёнка остига экилган картошка май ойида бозорга чиқарилса, унинг ўрнига сабзи, кейинроқ шолғом экилмоқда.

«Чечак ота» маҳалласи аҳли эса, катлован асосидаги иссиқхоналардан унумли фойдаланишмоқда. Улар помидор, бодринг, карам ва кўкатлар етиштириб нафақат маҳалладошлари, балки туман аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

Маҳалла фаоллари ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига «Чечак ота» ва «Боғишамол» маҳаллалари ҳудудига 7 км. масофада тоза ичимлик суви қувури тортилди. Бу йиғинлар аҳли учун энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 22 йиллигига муносиб туҳфа бўлади.

Хуллас, бирни кўриб фикр қил деганларидек, ҳар иккала маҳалла фаоллари қўлга киритилаётган ютуқларни таққослаб, ўзаро тажриба алмашиб, ҳудуд ободлигини таъминлаш, аҳолининг турмушини янада фаровонлаштириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ризвоной НИЗОМОВА.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

# ОБОДЛИК ҲАР УЙНИНГ ВА МАҲАЛЛАНИНГ ФАЙЗИДИР

< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Нукус тумани бўлинмаси ҳам ушбу хайрли ишларга бош-қош. Жумладан, Баканшакли овули Дарсан кўчасининг 0,28 км. қисми, Акманғит овули 3- ва 4-кўчаларнинг 1 км. масофаси, Тўқимбет овулидаги 9 км. ички йўлларнинг қуриб битказилишида бўлинмамизнинг ҳам ҳиссаси бор. Саҳро саратони авжига чиққан айни дамларда ҳам кўчалардаги кўкаламзорлаштириш ишлари сусайгани йўқ. Энг улуғ ва энг азиз байрамимизни обод ва ораста гўшада қарши олишга ҳар бир тумандошимиз, айниқса, ёш йигит-қизларимиз ўз куч-ғайратларини аямаяпти. Бўлинмамиз томонидан туман овулларида барпо этилган 3 та мевазор боғ қишлоқдошларимизга ажойиб байрам туҳфаси бўлди. Бундай бунёдкорликлар овулдошлар дунёқарашига ижобий таъсир этмай қолмайди, албатта.

Мамлакатимиздаги қулай шароит кўплаб нукусликларни ҳам ташаббус ва изланишга чорлади. Айниқса, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатининг давлатимиз, шахсан Президентимиз томонидан ҳимоя қилиниши, улар фаолияти эркинлигининг қонунан кафолатланиши туманимизда янгидан-янги корхоналарнинг ишга тушишига, турли йўналишлардаги бизнес тармоқларининг ривожланишига омил бўлаётир. Жумладан, Пўлат Нагметуллаевнинг Узункўлда ташкил қилган «Нукус маҳсулот улгуржи савдо» масъулияти чекланган жамияти 120 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи эвазига ишга туширилди. Унинг қисқа фурсатда муваффақият қозонгани — эл дастурхонига ўндан ортиқ нон ва нон маҳсулотларини етказиб бераётгани бошқаларда ҳам ишбилармонликка рағбат уйғотди. Бу ерда меҳнат қилаётган ўндан зиёд йигит-қизнинг оиласига барака ингани янада қувонарлидир.


ЎзА сурати.

Овулларнинг кўркамлашаётган қиёфасидан сўз очганда, шубҳасиз, Президентимиз ташаббуслари билан энг чекка қишлоқларни шаҳарга тенглаштираётган намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий турар-жойларни эсламасликнинг иложи йўқ. Олис туманимиздаги Саманбай овулида 2009 йилдаёқ намунавий лойиҳалар асосида қурилган 20 та турар-жой ўз эгаларига топширилди. 2010 йилда ҳам шунча ҳовли тўйи нишонланганди. 2011 йилда эса, 55 та уй баканшаклиликларнинг турмушига файз киритди. Мустаҳкам оила йилида узункўллик 18 та оила янги массивга кўчиб ўтди.

Чўл иқлимига мослаштириб қурилган, қулай шароитларни ўзида мужассамлаштирган замонавий турар-жойларга эга бўлишни истаганлар сони тобора кўпаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ жойларидаги аҳоли фаровонлигини юксалтириш, турмуш ободлигига эришиш мақсадидаги ғамхўрликлари боис жорий йил охиригача 90 та намунавий лойиҳа асосидаги турар-жой қуриб битказилиб, овулларимиз тароватига зеб, кишиларга янги имкониятлар ҳадя этиши муқаррар.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсон манфаатларини таъминлашдан иборат. Зотан, Нукус туманида кузатилган юксалишлар ҳам айни пайтда юртимиздаги ҳаётбахш ўзгаришларнинг акс-садосидир.

Нураддин СЕЙТНАЗАРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Нукус тумани бўлинмаси раиси.

ТАНЛОВ

# ЭНГ НАМУНАЛИ ЙИҒИНЛАР САРАЛАНМОҚДА


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Бугунги кунда маҳалланинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги аҳамияти ошиб бормоқда. Шунга мос равишда маҳалла тизимига эътибор ҳам ортмоқда. Айниқса, турли йўналишларда кўрик-танловларнинг ўтказилаётгани эътирофга сазовор.**

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор иш тажрибаларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур танловнинг Юнусобод тумани босқичи Тошкент ахборот-технологиялари университетининг 2-сонли академик лицейи биносида ташкил этилди. Унда тумандаги 58 та маҳалла фуқаролар йиғини орасидан саралаб олинган 9 та маҳалла танлов низомида белгиланган 3 та шарт бўйича ўзаро баҳс олиб борди.

— Бу йилги танловда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида иштирокчиларнинг билимлари синовдан ўтказилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлинмаси раиси Жўрақўзи Исоқов. — Тадбирга ташриф буюрган маҳалла фаоллари соҳага оид қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан яна бир бор танишиш имконига эга бўлдилар.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир қатнашчининг иш тажрибаси, билим ва маҳоратини адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳолади.

Иштирокчи маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг ҳозиржавоблиги, дунёқарашлари, билим савияси, ўз вазифасига бўлган масъулияти савол-жавоблар орқали аниқланди. Якуний хулосаларга кўра, «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди. «Аҳилобод» маҳалласи иккинчи, «Гулистон» маҳалласи эса учинчи ўринга лойиқ топилди ва бу учала маҳалла танловнинг Тошкент шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Бугунги танлов тажриба алмашиш учун қулай фурсат бўлди, — дейди «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоир Эргашев. — Кўплаб ҳамкасбларим билан янада яқинлашиб, ўзаро фикрлашдик. Маҳалламизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 20 нафарга яқин фуқарони йиғин фаоллари ташаббуси ва кўмаги билан ишга жойлаштирдик. Ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Айни пайтда ҳомийларни жалб этган ҳолда кўчаларни таъмирлаш, ичимлик суви қувурларини алмаштириш ишлари авжида.

Танловга ташриф буюрган меҳмонлар бино фойесида ташкил этилган кўргазмалар орқали иштирокчилар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови Миробод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Олмазор, Учтепа туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Танловнинг туман босқичлари қизғин давом этмоқда.

Дилдора ШАРОФИДДИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

МАҲАЛЛАДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

# Гўшасига ярашган аёл

**Фарғона шаҳридаги «Гулистон» маҳалласига Донохон Мамажонованинг раис этиб сайланганига етти йилдан ошди.**

Бу аёл қалбида муқаддас гўшаси, ота-онаси, оиласига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳислари тўлиб-тошган. Мақсади — юрт осойишталиги, маҳалла ва оила тинчлигини мустаҳкамлаш.

Д.Мамажонова меҳнат фаолиятини самарали йўлга қўйган: маҳалладаги ободонлик, маънавий-маърифий тарғибот, бунёдкорлик ишларини кўриб ҳавасингиз келади. Юритилаётган ҳужжатлар амалий ишлар самарасидан дарак.

Доно опа бошчилигидаги аҳил жамоа жорий йилда 20 га яқин фуқарони туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ишга жойлаштирди. Шунингдек, касаначилик асосида 6 нафар хотин-қизнинг ишли бўлишига ҳисса қўшди.

Шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари шу маҳалладан бошланган, десак хато бўлмайди. «Гулистон» чинакам гулистонга айланиб, эски ҳовлилар ўрнига янги, кўп қаватли замонавий уйлар қад ростлади, кенг ва равон йўллар барпо этилди. Бунда Д.Мамажонованинг ҳашарлар уюштиришдаги жонбозлиги, аҳоли турмуш даражасини ошириш иштиёқи бош омил бўлмоқда. Натижада бу ерда спорт ва болалар майдончалари, ўйингоҳлар фойдаланишга топширилаётир.

Хуллас, бу жонкуяр аёлнинг бир вақтлар иккиланиб: «Шундай масъулиятли вазифани эплай олармиканман», деган ҳадиги ортда қолди. Миллий урф-одатлар ва қадриятларимизнинг янада сайқалланиб, давомийлик касб этаётганидан, оилалар истиқболи ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан, аҳоли манфаатларининг ҳимоя қилинаётганидан маҳалла аҳлининг кўнгли тўқ.

Нўъмон ШОКИРОВ,
Фарғона шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# ИШОНЧНОМАНИ ФАҚАТ НОТАРИУС ТАСДИҚЛАЙДИМИ?

САВОЛ: — *Ҳурматли таҳририят!*

*Фуқаролик кодексининг 137-моддасида ишончноманинг бошқа шакллари хусусида тушунча берилиб, хусусан, хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкинлиги ифодаланган.*

*Ушбу масала янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида янада аниқлаштирилган. Мазкур нормага мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олишга ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин.*

*Бироқ кундалик ҳаётда айрим банклар томонидан юқорида кўрсатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалари бўлган мижозларга хизмат кўрсатиш ўрнига нотариал расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилишини талаб қилиш ҳоллари ҳам учрайди.*

*Илтимос, Фуқаролик кодексининг 137-моддаси ҳамда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасини амалиётга жорий этиш хусусида батафсил тушунтириш берсангиз.*

Р.СУЛТОНОВ.
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134-моддасига асосан бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади.

Мазкур Кодекснинг 135-моддасида ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилиши, нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги, ушбу Кодекснинг 136-, 137-, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустаснолиги белгиланган.

Кодекснинг 137-моддасига асосан хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) 15-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олишга ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкинлиги қайд этилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан чиқарилган банк операцияларини амалга оширишга доир идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда банкларга ишончли вакил фақатгина нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома асосида банк операцияларини амалга оширишига доир кўрсатма мавжуд эмас.

Фуқаролик кодексининг 139-моддасига асосан ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банкларда сақланаётган ўз номингиздаги пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини ўзингиз маъқул топган ишончли вакилга бевосита иш жойингиздаги раҳбарингиз ёки маҳалла фуқаролар йиғини раисининг олдига шахсан ташриф буюрган ҳолда ишончнома расмийлаштирган ҳолда ишониб топширишингиз мумкин.

Бунда, ишончномада унинг берилган санаси, ишлайдиган ташкилот ёки маҳалла фуқаролар йиғинининг думалоқ муҳри қўйилганга, шунингдек, иш юритиш қоидаларига мувофиқ ҳужжатнинг чиқиш санаси ва тартиб рақами кўрсатилганлигига эътибор бериш лозим.

Ш.МАҚСУМОВ,
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи.

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ

# ТУПРОҒИДА ҲИКМАТУ ҲАЙРАТ МУЖАССАМ



< [1]

— Маънавиятимизнинг буюк дарғалари — Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Моҳитобон, Баҳоуддин Нақшбанд сингари авлиёлар мангу макон топган қадамжолар, бутун жаҳонни ҳайратта солган Арк қалъаси, Минораи Калон, Мир Араб мадрасаси каби тарихий обидалар бўйлаб зиёрат қилдик, — дейди Бўзачи қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 63 ёшли Аҳад ота Ширинов. — Ота-боболаримизнинг бой маънавий мероси, ҳар гардида ҳайрат мужассам обидаларни кузатиб шундай хулосага келдимки, улуғ аждодларга эга халқнинг келажаги ҳам нурли бўлади.

Юртбошимиз ташаббуслари билан бунёд этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси, ундан ўрин олган муҳташам театр ва амфитеатр бинолари меҳмонларни янада хушнуд этди. Мазкур монумент қадим воҳанинг ўзига хос рамзига айланиб улгурди. Унда вилоятнинг бой ўтмиши, сермазмун бугуни ва ёруғ келажаги бор бўй-басти билан намоён.

Саёҳатчилар яқинда вилоятда ўтказилган «Универсиада — 2013» спорт мусобақалари муносабати билан қурилган янги спорт объектлари, замонавий услубда таъмирланган таълим муассасалари, кўркам қиёфа касб этган кўча ва хиёбонлар билан ҳам танишишди.

— Замонавий иншоотлар менда катта таассурот уйғотди, — дейди Қоровулбозор тумани Ал-Бухорий номидаги маҳаллада яшовчи Нафиҳа Жаметова. — Вилоятимиздаги таълим даргоҳлари, у ердаги замонавий ўқув воситалари билан танишиб, ушбу муассасаларда таълим олишни ўз олдимга мақсад қилдим. Биз ёшлар бу имкониятлардан самарали фойдаланишимиз даркор.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қоровулбозор тумани бўлинмаси раиси вазифасини бажарувчи Гулзира Алдановanинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган даврида 80 нафарга яқин фаолларнинг саёҳат ва зиёратлари уюштирилган. Шунингдек, ҳудуддаги 200 нафардан зиёд аҳолини нафақат воҳа, балки Самарқанд, Хоразм вилоятларининг тарихий қадамжолари ҳамда Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг сўлим гўшаларига саёҳати режалаштирилмоқда.

Юртимизнинг гўзал масканларига уюштирилаётган зиёрат иштирокчиларга маънавий озуқа бериш билан бир қаторда, шу обод макон, гўзал заминда яшаётганидан завқланиш, шукроналик ҳиссини бахш этади, мамлакатимиздаги бунёдкорлик жараёнларига дахлдорлик туйғусини шакллантиради, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб етишиш масъулиятини кучайтиради.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!

# БУГУНГИ ҚАҲРАМОН — ЕТУК КАМОЛОТ ЭГАСИ



ЎзА сурати.

**Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига бағишлаб Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ўтказилган «Сени куйлаймиз, замондош!» II республика танлови юртимизда театрларнинг ижодий имконияти, давр билан ҳамнафас руҳда яратилган асарларнинг салмоғи ва савиясини намоён этди.**

Мазкур танловдан кўзланган мақсад мамлакатимиз театр жамоаларининг энг сара саҳна асарларини аниқлаш, ҳаёт синовларида тобланган ва фидойи ҳамюртларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи спектаклларни яратишга оид эзгу ишларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Дастлаб танловга мамлакатимиз театр жамоалари томонидан тайёрланган ўттиздан зиёд саҳна асари тавсия этилди. Кейинчалик етук санъатшунослар тавсиясига кўра, улар орасидан 15 таси саралаб олинди.

Миллий қадриятларимиз, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи спектакллар бир ҳафта мобайнида пойтахтимиздаги театрлар саҳнасида намойиш этилди. Маҳорат сабоқлари, ижодий мулоқотларни ўзида жамлаган «Саҳнада — замондош образи» мавзусидаги илмий-амалий анжуманларда театр жамоаларининг бугунги изланишлари, репертуари ва яратилаётган саҳна асарларида замонамиз қаҳрамонлари образининг талқини атрофлича муҳокама этилди.

— Бугун фидойилиги, ҳалол меҳнати ва ташаббуслари билан Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаётган ҳар бир инсонни замонамиз қаҳрамони, деб аташ мумкин, — дейди драматург Салоҳиддин Сирожиддинов. — Ушбу танлов доирасида менинг асарим асосида Ўзбек миллий академик драма театри томонидан «Ойдин» спектакли намойиш қилинди. Унда одам савдосидек глобал иллатни фош этишда журналист аёлнинг шижоати акс эттирилган.

Бугунги кундаги долзарб муаммолардан бирига айланган одам савдоси ва унинг мудҳиш оқибатларини бартараф этишга қаратилган мазкур саҳна асарида касбга садоқатни олий шараф сифатида қадрлаб, ўз вазифасини виждонан бажараётган журналист қиз — Ойдин тимсолида замонамизнинг маърифатли аёли намоён бўлган.

Эътиборли жиҳати, театр ижодкорлари замон қаҳрамони қиёфасини турли соҳа вакиллари орасидан излаётгани намойишларда кўзга ташланди. Жумладан, А.Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг «Меҳр қолур» спектаклида шоир Муҳаммад Юсуфнинг ибратли ҳаёти орқали шоирлар, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий театрининг «Нур сояда қолмас» спектаклида ишбилармон ва тадбиркор аёллар, Фарғона вилояти рус драма театрининг «Фаришта» асарида фидойи ва ҳамиша ҳушёр милиция ходимлари, Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театрининг «Садоқат»ида эл саломатлиги йўлида собит бўлган шифокорлар, Қашқадарё вилоятидаги «Эски мачит» театр-студиясининг «Ҳаёт бўсағасида» спектаклида эса талаба ёшларнинг орзу умидлари, эртанги кунга бўлган ишончи ифодаланиб, улар замонамиз қаҳрамони сифатида гавдалантирилган.

Танлов якунига кўра, биринчи ўринга икки жамоа — Ўзбек миллий академик драма театрининг «Ойдин» ҳамда Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театрининг «Аёл қадри» спектакллари муносиб топилди. Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг «Садоқат» спектакли иккинчи, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрининг «Нур сояда қолмас» спектакли учинчи ўринга сазовор бўлди.

Дарвоқе, замонамиз қаҳрамони Ватанни қилич яланғочлаб эмас, тафаккур дунёси билан ҳимоя этмоғи лозим. Шундай экан, бугун қаҳрамонларимизни камолот сари интилган шахслардан танлаш муҳим.

Замондош қаҳрамонларнинг майдонга чиқиши бу баркамол шахснинг жамиятимиздаги ўрни ва фаолияти қандай ҳамда нималардан иборат эканлигини очиб беради.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

## Дунё бўйлаб

### Вертолёт ҳалокати

☑ **Ёқутистон авиакомпанияларидан бирига қарашли «Ми-8» вертолёти қаттиқ қўниши оқибатида ҳалокат содир бўлди.**



Натижада бортдаги 28 кишидан бор-йўғи тўрт нафари — уч экипаж аъзоси ва 17 ёшли ўсмирин тирик қолган. Улар оғир аҳволда касалхонага етказилди.

Ҳодисага вертолётнинг техник носозлиги, ноқулай об-ҳаво шароити ёхуд учувчилар хатоси сабаб бўлгани тахмин қилинмоқда.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Ёқутистон президентининг сайтида айтилишича, ҳалок бўлганларнинг оилаларига 3 миллион рублдан ажратилади.

### Қадимги эҳром бузилди

☑ **Перу ғарбидаги Сан Мартин ҳудудида қурувчилар гуруҳи баландлиги 6 метрга тенг қадимий эҳромни бузишди.**



Инсониятнинг улкан тарихий ёдгорликларидан яна учтасини йўқотишга киришган чоғида уларни тасодифий гувоҳлар тўхтатиб қолишган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши очилди. Айбдор икки қурилиш компанияси жарима тўлаш билан бирга эҳромни қайта тиклаш харажатларини ҳам қоплайди.

12 эҳромдан иборат «Параисо» мажмуаси 4 минг йил муқаддам барпо қилинган, ўз даврининг йирик маъмурий ва диний маркази саналган.

### Гўдакларга бахт тангаси

☑ **Британия зарбхонаси 2013 та кумуш танга зарб қилди. Сал илгарироқ мамлакат шаҳзодаси Гарри яқинда жиянли бўлишини айтганди.**



Тўнғич шаҳзода Уильям ва герцогина Кейтларнинг фарзанди билан бир кунда дунёга келадиган гўдакларга мазкур «бахт тангаси» туҳфа қилинади. Айтишларига қараганда, кумуш пеннилар эгаларига бахт ва соғлик келтиради.

Қироллик меросхўрининг туғилиши ортидан мамлакатда болалар учун турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Узоқ кутилган бу воқеа иқтисод ривожига жиддий туртки беради.

Ой охирига қадар Кембриж герцогинаси Кейтнинг кўзи ёриши кутилмоқда. Анъанага кўра, қироллик оиласи боланинг жинсини ошкор қилмаяпти.

Қиролича Елезавета II меросхўрлик тартибига киритган ўзгартиришга кўра, туғилажак гўдак, жинсидан қатъи назар, валиаҳдлар сафидан жой олади.

Интернет хабарлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

# БИЛИМ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» маҳалласида йиғин ҳузурида ташкил этилган «Ота-оналар университети»нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ва хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимлари, маҳалла фаоллари ва ибратли оила вакиллари иштирок этишди.**

Тақдимот аввалида маҳалла ёшлари ҳаётига оид фотосуратлар ҳамда йиғин ҳузуридаги «Ораста қизлар» клуби аъзолари томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазмаси ўтказилди.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги «Ота-оналар университети» оила бошлиғи ва бекаларининг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, иқтисодий ва тиббий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, Маънавият тарғибот маркази, «Соғлом авлод учун» ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаларининг қўшма қарорига асосан ишлаб чиқилган низом оилалар мустаҳкамлигини янада барқарорлаштириш, тарбия санъатини эгаллашда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, хонадонларда соғлом маънавий муҳитни таъминлашдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган йили ҳудуддаги нотинч оилалар сони камайиб, ажрим ҳолатлари қайд этилмаган. Маънавий муҳит носоғлом оилаларда вояга етаётган ўғил-қизларнинг тарбияси билан алоҳида иш олиб борилмоқда. Уларни маҳалла ва ўқув муассасаларидаги тўгаракларга ҳамда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этиш, зарур ўқув қуроллари ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш доимий эътиборда.

— Бугун умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ёшларимизнинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан уларнинг ўз қизиқиши ва иқтидорига мос касбни танлашига боғлиқдир, — дейди университет раҳбари, Тошкент ислом университети кафедра мудири Неъматулла Муҳаммедов. — Шу боис ота-оналар ва мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимизда ўғил-қизларнинг қайси соҳага қобилияти борлигини аниқлаш ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Қувонарлиси, бугунги ёшлар нафақат чуқур билимли, балки ўз мустақил фикрига эга бўлиб улғайишмоқда. Ҳудудимизда турли кўрик-танловлар ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида ғолиб чиққан йигит-қизлар сафининг кенгайиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Анжуманда сўзга чиққан маҳалла мутасаддилари ўз тажрибаларидаги ибратли жиҳатлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар хусусида мулоҳаза юритишди. Маҳалла ёшлари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар ва санъаткорларнинг куй-қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

# ХИЗМАТГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

☑ **Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини оширишга, Қуролли Кучларимизни замонавий ҳарбий авиация мутахассис кадрлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.**

Бу йил билим юрти ташкил этилгандан буён ўн олтинчи марта ёш офицерлар — авиация муҳандислари, вертолёт учувчилари хизматга йўлланма олишди.

Билим юртида ёшларга замонавий ҳарбий техникани бошқариш илмидан сабоқ бериш билан бирга, уларнинг маънавий соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук бўлиб етишишлари учун маънавий-маърифий тарбия ишлари ҳам юксак даражада йўлга қўйилган.

Битирувчиларни кузатишга бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бирлашган штаби, Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, Жиззах шаҳар ҳокимлиги, Байналмилалчи жангчилар уюшмаси, ота-оналар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ёш зобитларга оқ йўл тилаб, уларни Ватанга, халқимизга, миллий истиқлолимиз ғояларига садоқат билан хизмат қилишга чақиришди.

Ёш ҳарбий мутахассисларга диплом ва кўкрак нишонлари топширилгандан сўнг билим юрти шахсий таркибининг жанговар паради, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг концерт дастури намойиш этилди.

Бек НАЗАР
«Mahalla»



ИБРАТ

# Китобхон ҳафталиги

Тошлоқ туманидаги 42-умумтаълим мактабида китобхонлар ўртасида «Китобхон ҳафталиги», «Китобхон байрами», «Энг фаол китобхон» сингари қатор маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади.

Яқинда мактабнинг ахборот-ресурс маркази раҳбари Феруза Тоҳирова ташаббуси билан «Юқори қишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини биносида мўъжазгина кутубхона ташкил этилди. Янги кутубхонада бадиий, оммабоп адабиётлар мавжуд.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Абдуллаев кутубхона фондига ўз маблағи ҳисобидан 130 минг сўмлик турли жанрдаги китобларни совға қилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.
Марғилон шаҳри.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

19100 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7537 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00